

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯККАБОҒ ТУМАНИ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН *FABACEAE* (LINDL., 1836) (*LEGUMINOSAE* JUSS.) ОИЛАСИ ТУРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хикматова Навбахор Навруз қизи<sup>1</sup>

Ёзиев Лутфулло Ҳабибуллаевич<sup>2</sup>

Хушматов Шунқор Садуллаевич<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Қарши шаҳридаги Турон университети (магистрант)

<sup>2</sup>Қарши шаҳридаги Турон университети ректори  
(биология фанлари доктори, профессор)

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги  
(биология фанлари доктори, проф. в.б.)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20812677>

Ҳозирда дунё миқёсида ўсимликлар био-экологик хусусиятларини ўрганиш асосида, қимматли хўжалик аҳамиятига эга турларни идентификациялаш, уларнинг табиий заҳираларини баҳолаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг **мақсади** – мавжуд адабиёт маълумотлари асосида Қашқадарё вилоятида тарқалган *Fabaceae* (Lindl., 1836) оиласи турларини идентификациялаш, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида тарқалган турларини аниқлаш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилишдан ташкил топган.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани худудида тарқалган *Fabaceae* (Lindl., 1836) оиласи турлари таҳлил қилинди. Тадқиқотларда ўсимлик турларини аниқлаш стандарт услуб ёрдамида амалга оширилди [Алексеев, 1934; Быстров ва Круберг, 1951; Абдуллаева ва бошқ., 1972; Соколов ва Филин, 1996; Карпухина ва Уланская, 2009; Глазунов ва бошқ., 2017; Eslami-Farouji and Malca-Garcia, 2025].

Тадқиқот худудида тарқалган *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласига мансуб турларни хўжалик аҳамиятига кўра гуруҳлашда доривор турларни аниқлаш Туляганова М., Юлдашев А.С. томонидан келтирилган (2011) қўлланма асосида амалга оширилди [Туляганова ва Юлдашев, 2011].

Тадқиқотларда олинган экспериментал натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш “Microsoft Excel 2007” (Microsoft, АҚШ) махсус дастур пакетидида қайта ишланди [Лакин, 1990; Денисова ва бошқ., 2008].

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тожибаев К.Ш. ва бошқ. томонидан (2019) Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти ўсимликлар дунёси кадастри ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳудуд флораси **613 та** авлод ва **97 та** оилага мансуб турларни ўз ичига олиши қайд қилинган. Бунда, Қашқадарё вилоятида *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласининг **28 та** туркумига мансуб **228 та** ўсимлик турлари тарқалганлиги қайд қилинган (бу мазкур ҳудудда тарқалган жами ўсимликлар турларининг 11,8% қисмини ташкил этади) [Тожибоев ва бошқ., 2019; 256-б.].

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани худудида *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласига мансуб **17 та туркумга кирувчи 18 та ўсимлик турлари аниқланди.** Бунда, Қашқадарё вилояти Яккабоғ

тумани ҳудудида тарқалган *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласига мансуб турларни хўжалик аҳамиятига кўра, қуйидаги 4 та асосий гуруҳларга ажратиш мумкин (жадвал).

**Жадвал**

**Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида аниқланган *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласига мансуб турларининг хўжалик аҳамияти**

Т/р	Хўжалик аҳамиятига кўра гуруҳлар	<i>Fabaceae</i> (Lindl., 1836) ( <i>Leguminosae</i> Juss.) оиласи туркумлари
1.	<b>Қишлоқ хўжалигида чорва ҳайвонлари учун ем-хашак сифатида фойдаланилувчи ўсимлик турлари</b>	Янтоқ ( <i>Alhagi</i> Hill)
		Қуёнсуяк ( <i>Ammodendron</i> Fisch)
		Астрагал ( <i>Astragalus</i> L.)
		Нўхат ( <i>Cicer</i> L.)
		Оққурай ( <i>Cullen</i> Medik)
		Ширинмия ( <i>Glycyrrhiza</i> L.)
		Тангаўт ( <i>Hedysarum</i> L.)
		Қуёнтирноқ ( <i>Lagonichium</i> M.Bieb)
		Бурчоқ ( <i>Lathyrus sativus</i> L.)
		Беда ( <i>Medicago sativa</i> L.)
		Хмелсимон беда ( <i>Medicago lupulina</i> L.)
		Себарга ( <i>Trifolium</i> L.)
		Қашқарбеда/йўнғичқа ( <i>Melilotus</i> Mill)
		Зиракўт ( <i>Onobrychis</i> Hill)
2.	<b>Озиқ-овқат мақсадларида фойдаланилувчи (асал берувчи) ўсимлик турлари</b>	Янтоқ ( <i>Alhagi</i> Hill)
		Астрагал ( <i>Astragalus</i> L.)
		Нўхат ( <i>Cicer</i> L.)
		Бурчоқ ( <i>Lathyrus sativus</i> L.)
3.	<b>Фармацевтик/фармакологик хомашё сифатида фойдаланилувчи ўсимлик турлари</b>	Янтоқ ( <i>Alhagi</i> Hill)
		Қуёнсуяк ( <i>Ammodendron</i> Fisch)
		Астрагал ( <i>Astragalus</i> L.)
		Оққурай ( <i>Cullen</i> Medik)
		Ширинмия ( <i>Glycyrrhiza</i> L.)
		Бурчоқ ( <i>Lathyrus sativus</i> L.)
		Себарга ( <i>Trifolium</i> L.)
		Қашқарбеда/йўнғичқа ( <i>Melilotus</i> Mill)
4.	<b>Манзарали/декоратив ўсимлик турлари</b>	Оқ акация ( <i>Acacia alba</i> )
		Альбиция ёки Ленкаран акацияси ( <i>Albizia julibrissin</i> )
		Цезальпиния ( <i>Caesalpinia gilliesii</i> Wall)

**Хулоса.** Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани ҳудудида *Fabaceae* (Lindl., 1836) (*Leguminosae* Juss.) оиласига кирувчи 17 та туркум турлари (18 та) тарқалганлиги

аниқланган. Мазкур ўсимлик турлари хўжалик аҳамиятига кўра, 4 та гуруҳларга ажратилган: қишлоқ хўжалигида чорва ҳайвонлари учун ем-хашак сифатида фойдаланилувчи ўсимлик турлари (15 та), озиқ-овқат мақсадларида фойдаланилувчи (асал берувчи) ўсимлик турлари (4 та), фармацевтик/фармакологик хомашё сифатида фойдаланилувчи ўсимлик турлари (9 та), манзарали/декоратив ўсимлик турлари (3 та). Олинган натижалар Қашқадарё вилояти ўсимликлар дунёсини инвентаризациядан ўтказишда илмий асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

